

Бизнес, яъни пул топишнинг кандай тури бўлса ҳам, тадбиркор киши, бизнесмен ҳалол пул топса, ўзининг ҳаловати учун яхшироқ эканлиги кўп жойларда айтилган. Аммо биз бу гапнинг бошқа томонларини айтмоқчимиз.

Кўпгина катта-кичик дўконларнинг, ошхона ва ресторанларнинг пештоқларидаги рекламавий лавҳаларида, баъзи бир корхоналарнинг, бирор-бир маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг газета-журнал ёки кўчалардаги катта-катта афишаларга берган рекламаларида одамнинг гашини келтирадиган бир нарсани кўриш мумкин. Улар гўё ишлари юришиб, файз-барака жуда катта миқдорда оқиб келишини таъминлайдиган нарса ярим-ялангоч аёлларнинг суратлари деб тушунишади шекилли, уялмасдан беҳаё аёлларнинг авратлари очилиб турган расмларини илиб ёки чиқариб кўйишади. Чунки ҳеч ким уларга буни чекламайди ва бу нарсани улар айна тадбиркорликдан, деб билишади.

Икки-уч йил олдин бир танишим менга ўзининг «бизнес-режа»сини айтиб кодди: «Хув катта кўчанинг юзидаги тўрт каватли уйнинг биринчи каватида бир хонали уйим бор. Ўша уйни яхшилаб таъмирдан чиқариб, бир сартарошхона очмоқчиман. Мини-юбка кийган кизларнинг расмларидан учта-тўртта «яхшироғи»ни деворга ёпиштириб кўйсам, тез кунда клиентлар кўпайиб қолади».

Хайрон коласан киши. Нахотки, халкимиз шундай даражага келиб колди?! Нахотки муваффақиятнинг калити шу нарсага боглик бўлса?! Одамлар, харидорлар ҳам шу расмларни деб келишмаса керак, ахир?! Йўғ-э, деймиз, халкимиз бу холга келиб колмагандир! Маънавиятида салгина бўшлик пайдо бўлган кишилар шундай килишса керак-да!

Окила кизим, ўшандай беҳаё расмларга тушадиган кизлар ёки аёллар ҳам аввал сенга ўхшаган бокира, ифбатли, хаёли бўлганлар. Улар билибми, билмайми адашиб колишгач, шунака йўлга кириб колишган. Бир кетган хаё кайтиб келмаслиги хақида суҳбатлашдик-ку! Уларнинг холига кулмагин, балки, ниятингни яхши килиб, Худодан шарманда килмаслигини сўраб юргин ва тўғри йўлда бўлишликка доимо харакат килгин. Салгина адашсанг, тезда ўзингни ўнглаб олишнинг иложини кил. Хув пастга караб кетган чиройли зинапоя хақидаги гап эсингдами, ўшандай чуқурга аста-аста кетиб колиш

осонгина, лекин оркага кайтиш...

Сенга яхшилик тиловчи хайрихох дўстингман, мёндан хеч қачон ёмонлик ёки хафа киладиган гапларни кутма. Шунингдек, мёндан сира хафа бўлма.